“БОБУРНОМА” ДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

Р.Б.ҚОДИРОВ, Ш.ҚОСИМОВА, М.НИШОНОВА

Авторы статьи, анализируя географическое описание Ферганской долины, выявляют основные принципы, свойственные Бабуру-географу.

Analyzing the geographical description of the Fergana valley in the “Baburnama” the authors try to depict the main principles of this act peculiar to the Great Babur – the geographer.

Бобур ҳақида гап кетганда, унинг Ўрта Осиёда география фани ривожланишига катта ҳисса қўшганини ҳам таъкидлаш жоиз. Зеро, ўз даврининг энциклопедияси дея таърифланувчи “Бобурнома” географик асар ҳамдир. Унда Фарғона водийси, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг табиати, аҳолиси ва унинг хўжалик фаолияти ҳақида муҳим маълумотлар ёзиб қолдирилган. Муҳими, Бобур равон тил билан берилган лўнда ва содда таърифларида жойнинг географик хусусиятларини очиб беради, иккинчи томондан, муаллиф асосан ўз кўзи билан кўрганларини қайд этадики, бу нарса маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаб, илмий аҳамиятини оширади. Ушбу мақолада “Бобурнома”даги муаллиф туғилиб ўсган юрт – гўзал Фарғона водийсининг муаллиф тасаввуридаги географик тавсифини ёритиб бериш асосий мақсад ҳисобланади.

Бобур ўз тавсифларида география фанида бугунги кунда амал қилувчи бир қатор принципларга катта эътибор қаратган. У ҳудудларга ўзининг қатъий систематикаси бўйича таъриф беради. Бобур систематикасида: жойнинг географик ўрни, қайси иқлимга мансублиги, фойдали қазилмалари, шифобахш жойлари, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси, аҳолиси, қишлоқ хўжалиги, кичик маъмурий ҳудудлари (бугунги кундаги табиий ва иқтисодий географик районлаштириш) таърифланиб, охирида қисқача якун ясалади. Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда бу усул баъзан ўзгариб ҳам туради. Хусусан, йирик шаҳарларнинг топографияси, гидрографик объектлари, экспорт ва импорти баён этилади. Муаллиф ҳудудларни географик жиҳатдан тавсифлашда ҳеч қайси географдан қолишмайди:

“…Фарғона вилояти бешинчи иқлимдандур …Шарқи Қошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадашхоннинг сарҳади тоғлар, агарчи бурун шаҳрлар бор экандур, мисли: Олмолиқ ва Олмоту ва янги ким, кутубларда Тарозкент битирлар…” Ўрта асрлар Шарқ географиясида ер шари еттита иқлим минтақасига ажратилган. Бундай иқлимлаштириш маълум бир маънода илмий асосга эга ҳамдир. Негаки, бугунги кун географиясида академик Берг классификацияси бўйича ер шари экватордан қутбларга томон еттита иқлим минтақасига ажратилади. Бобур Фарғона водийсининг бешинчи иқлимга киришини таъкидлайди. Бу иқлим ҳозирда мўътадил иқлим минтақасига тўғри келишини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўрта асрларда Фарғона вилояти катта ҳудудларни эгаллаган. Шунинг учун Бобур таърифлаётган Фарғона вилоятини бугунги Чотқол, Фарғона, Олой, Туркистон ва Қурама тоғ тизмалари орасида жойлашган водий ёки янада кичикроқ масштабдаги Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларини назарда тутиш янглиш фикрга олиб келади. Бобур географик қонуният асосида горизонт томонлари бўйича Фарғона вилоятини тартиби билан чегаралайди, дастлаб шарқ ва ғарб, сўнгра шимол ва жануб томонларидаги географик объектлар берилади. Бу таъриф Андижон, Ўш, Марғилон, Исфара, Хўжанд, Конибодом, Ахсикент, Косон шаҳарларига ҳам тааллуқлидир.

Бобур Фарғона водийсининг табиатига тўхталаркан, унинг ноёб иқлими ҳамма томонидан тоғлар ўраб туриши билан изоҳланишини кўра билган. “… мухтасар вилояттур, ошлиқ ва мевааси фаровон. Гирдогирди тоғ воқе бўлубтур. Ғарбий тарафидаким, Самарқанд ва Хўжанд бўлғай, тоғ йўқтур. Ушбу жонибтин ўзга ҳеч жонибтин қиш ёғий кела олмас”. Дарҳақиқат, ҳозирги замон география фани шуни тасдиқлайдики, водийга совуқ ҳаво массалари фақат ғарбдан, кенглиги 7-9 км га тенг “Хўжанд дарвозаси” орқалигина кириб кела олади. Мирзачўлдан совуқ ҳаво массалари тор йўлак орқали катта тезликда кириб келади, уларни водий худди сўрғич сингари тортиб олади ва, аксинча, водийдан илиқ ҳаво массалари Мирзачўлга ҳаракатланади. Водийнинг қолган томонлари тоғлар билан ўралгани учун совуқ ҳаво массалари улардан ошиб ўтиб, кириб кела олмайди. Шунинг учун водийга хос бўлган нисбатан барқарор мўътадил иқлим таркиб топади.

Шу ўринда “қиш ёғий кела олмас” дейилишининг бошқа бир жиҳатига ҳам эътиборни қаратиш лозим. Маълумки, Бобур болалигидан шаҳзодаларга хос

тарбия кўрган, яъни унинг тарбиясида келажакда давлатни бошқариши ҳамиша диққат марказида бўлган. Бу эса унга болаликдан ўз даври талабларига мос ҳолда ҳарбий билимлар, жумладан, унинг таркибий қисми бўлган ҳарбий-географик маълумотлар ҳам бериб борилган деганидир. Ҳарбий географияда ҳар бир саркарда жойнинг топографик планини, яъни ер усти тузилишини (текислик, тоғ, довон, кечув жойлари, қудуқ ва бошқ.) пухта билиши талаб этилади. Айтмоқчимизки, Фарғона таърифида Бобур тоғларнинг муҳим ҳарбий стратегик объект эканлигини, яъни ташқи душманлар баланд тоғлардан ошиб ўта олмаслигини ҳам таъкидлайди. Негаки, унда "қиш" сўзи билан биргаликда "ёғий", яъни душман сўзи ҳам қўлланилади. Шунинг учун 1504-1505 йилларда Шайбонийхон қўшинлари Самарқандни эгаллагач, унинг водийга фақат ғарбдан кириши мумкинлигини ҳисобга олиб, Бобур ўз йўналишини жануби-ғарбга ўзгартириб, қўшин ўтиши мушкул бўлган Олой, Туркистон ва Ҳисор тоғларини ошиб Қобулга бош олиб кетади.

Маълумки, водийнинг ўртасидан Сирдарё илонизи шаклида шарқдан ғарбга оқиб ўтиб, Хўжанддан ўтгач шимолга бурилади ва Тошкент воҳасига йўналади. Буни Бобур қуйидагича таърифлайди: "... Бу жиҳатдан олганда Сайхун дарёсиким, Хўжанд суйиға машҳурдир, шарқ (Қорадарё) ва шимолий (Норин) тарафидин келиб, бу вилоятнинг ичи бирла ўтуб, ғарб сори оқар, Хўжанднинг шимоли Фанокатнинг жануби тарафидинким, ҳоло Шоҳрухияга машҳурдур, ўтуб яна шимолға майл қилиб, Туркистон сори борур. Туркистондин хейли қуйироқ бу дарё тамом қумға сингар, ҳеч дарёға қотилмас". Маълумки, ўрта асрларда дарё қайси шаҳар ёнидан оқиб ўтса, шу шаҳар номи билан аташган. Бу одат Сирдарёга нисбатан ҳам қўлланган. Бобур Сирдарёни Хўжанд дарёси деб атайди. (Қаранг: Амударё дастлаб Чоржўй шаҳрининг қадимий номи билан Омул дарё деб аталган, кейинчалик Омударё ва Амударёга айланган). Ҳозирда Сирдарё Чирчиқ-Оҳангарон водийсидан шимолга оқиб, Туркистон шаҳридан ўтгач, ўз йўналишини шимоли-ғарбга ўзгартиради ва Орол денгизига қуйилади. Кўрганимиздек, Бобур "бу дарё тамом қумға сингар, ҳеч дарёға қотилмас" деб гувоҳлик беради. Ҳозирги ўқувчи буни ўқиб ҳайрон бўлиши мумкин, бироқ бунда ҳеч бир хатолик йўқ. Ҳақиқатан ҳам ўрта асрларда Сирдарё ўз йўналишини тез-тез ўзгартириб турган: 19 асрдан буёнгина доимий равишда Орол денгизига қуйилади, холос.

Маълумки, замонавий географик тавсифларда жойнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши муҳим саналади. "Бобурнома"да бунга ҳам жиддий эътибор билан ёндашилган. Жумладан, Фарғона водийсининг таърифида муаллиф: "...Етти пора қасабаси бор; беши Сайҳун суйининг жануб тарафида, икки шимоли жонибида",- деб ёзади. Сўнгра улар ичида салоҳияти юқори бўлган ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимиоий географик тавсифи берилади. Масалан: "...Жанубий тарафидаги қасабаларидан бири Андижондурким, васатта воқе бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас. Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш қўрғонидин сўнгра мундин улуғроқ қўрғон йўқтур. Уч дарвозаси бор". Кўриб турибмизки, ушбу тавсифдан агрогеографик, этнографик ва сиёсий географик маълумотлар ўрин олган. Сўнгги жумлада эса шаҳарнинг муҳим транспорт йўлларида жойлашгани, яъни, бугунги кун географияси атамасини қўлламоқчи бўлсак, водийнинг транспорт тугуни эканлигини кўрсатиб ўтади.

Маълумки, ҳозирда Андижон шаҳри аҳолиси салкам 400 минг кишига яқинлашиб қолди ва бу кўрсаткич бўйича у водийда Наманган шаҳридан кейинги ўринни эгаллайди. Бобур Андижоннинг катта шаҳар экани, аҳолисининг кўплигини қуйидаги факт биланоқ кўрсатиб ўтади: "Тўққиз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердан ҳам чиқмас". Профессор С.Жалилов фикрича, қадимда бугунги Оқбўйра дарёси Ўшдан оқиб тушиб, Андижон шаҳридан оқиб ўтиб ўз сувларини Қорадарё (Улуғдарё)га қуйган. Кейинчалик, деҳқончилик ривожланиши ва шаҳар аҳолисининг кўпайиши ҳисобига Оқбўйра суви Қорадарёга етиб бормай қолган. Ҳозирда эса Оқбўйра сувлари Хўжаободдан ҳам ўтмай сувлари тугаб қолмоқда.

Бобур Андижонга таъриф бераркан: "Ҳавосининг уфунати бор. Кузлар эл безгак кўп бўлур" дейди. Шу билан бирга, водийнинг бошқа шаҳарлари таърифида ҳам безгак қайд этиб ўтилади. Бу ўринда Бобур нафақат Андижон, балки умуман водийга хос бўлган ва инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатни таъкидлаган. Маълумки, тиббиёт географияси касалликларнинг ҳудудий тарқалиши, ҳудуд билан боғлиқ келиб чиқиш сабабларини ўрганади. Шу жиҳатдан Бобур берган маълумот ҳам тиббий географияга оид деб қаралиши мумкин. Кейинги даврда водийда айрим касалликларнинг тарқалиш ареали, келиб чиқиш сабаблари чуқур ўрганилган. Жумладан, водий ҳамма томони тоғ билан ўралгач, фён (тоғ-водий) шамоллари ташқарига йўнала олмайди ва водий ичида айланиб юришга мажбур. Натижада юқумли касалликлар шамол таъсирида тез тарқалади. Айниқса, бу ҳолат куз фаслида янада кучаяди. Чунки бу фаслда ҳаво беқарор бўлади. Шу туфайли кузда касалликлар тез кўпаяди. Бобур бу ҳодисани зийраклик билан кузатган ва моҳиятини англаб етган.

БОБУРХОНЛИК

Бобур ўз юртининг ҳар бир ҳудудини фахр билан тавсифлаш билан бирга, унинг ўзига хос географик хусусиятларини ҳам очиб беради. Мана бу таърифга эътибор беринг: “...Яна Ўш касабасидур. Андижоннинг шарқи жанубий тарафидур, шарққа мойил, Андижондин тўрт йиғоч йўлдур. Ҳавоси хўб ва оқар суйи фаровондур. Баҳори бисёр яхши бўлур... Қўрғоннинг шарқи жанубий бир мавзун тоғ тушубтур, Барокўҳға мавсум. ... Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб, Андижонға борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур, тамом боғлари рудқа мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур... Фарғона вилоятида сафо ва ҳавода Ўш чоғлиқ касаба йўқтур”. Бу таърифда Бобур Ўш шаҳри табиатини мўйқалам соҳибларидек рангбаранг бўёқлар ёрдамида тасвирлайди. Шу ўринда унинг зийрак гидролог эканини ҳам тан олайлик. Негаки, Андижон (Оқбўйра) рудининг Ўш шаҳридан оқиб ўтишини, ушбу руд теварак атрофдаги экин майдонларини, боғларни сув билан таъминлашини бериб ўтяпти. Шу билан биргаликда баҳорда қалин лола ва гуллар билан бурканишини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Бобур асарида узунлик ўлчов бирликларидан йиғоч кўп ишлатилган. Профессор Ҳ.Ҳасанов фикрича, бир йиғоч тақрибан 8 км га тенг бўлган. “Бобурнома”да берилган шаҳарлар ўртасидаги масофани бугунги кун харитаси билан таққослаганда Бобур улар ўртасидаги масофани тўғри келтирганини гувоҳ бўласиз. Масалан, “...яна бир Марғинондур, Андижоннинг ғарбидадур, Андижондин етти йиғоч йўлдур” (Андижон билан Марғилон шаҳарлари ўртасида масофа 65 км га тенг).

Бобур тавсифланаётган ҳудуд ёки географик объектнинг жойлашувини аниқлашда замонавий географиянинг ёқтирган усулларидан бири – таққослаш методидан мақсадли фойдаланади. “...Яна бир Хўжанддур, Андижондин ғарб сориға йигирма беш йиғоч йўлдур. Хўжанддан Самарқанд ҳам йигирма беш йиғоч йўлдур...” Ёки: “...Сайхун суйи шимол жонибидин оқар. Қўрғондин дарё бир ўқ отими бўлғай” дея шаҳар қўрғонининг жойлашиш ўрнини аниқлаштиради.

Хўжанд таърифининг давомида ўқиймиз: “Қўрғон била дарёнинг шимол тарафида бир тоғ тушубтур. Мунуғил отлиқ, дерларким, бу тоғда фируза кони ва баъзи конлар топилур”. Бобур бу билан Хўжанд шаҳри шимолидан Қурама тизмаси бошланишини айтибгина қолмай, бу тоғда фойдали қазилма бойликлари мавжудлигини ҳам кўрсатиб ўтади. Дарҳақиқат, Қурама тизмасининг шимоли-ғарбий ёнбағри бугунги кунда қиммат-баҳо ва нодир металларга бой бўлиб, дунёнинг энг йирик ҳавзаларидан саналади. Олмалиқ атрофидаги рангли металл конлари Саричекув, Дальнее, Қалмоққир, Кумушкон, Олтинтопган каби дунёга машҳур мис, олтин ва полиметалл конлари шу ҳавзага киради.

Юқорида баён этилган “Хўжанд дарвозаси” йўналишида “Ҳодарвеш” чўли жойлашган. Фарғона ва Мирзачўл ўртасида кучли шамол эсгани учун қумлар тўзиб учиб, кўзни очиришга қўймайди. Зийрак Бобур буни ҳам кўздан қочирмаган ва уни жуда чиройли қилиб тасвирлаган: “...Хўжанд била Кандибодом орасида бир дашт тушубтур, Ҳодарвешға мавсумдур. Ҳамиша бу даштга ел борур. Марғинонғаким, шарқидур, ҳамиша мундин ел борур. Хўжандғаким ғарбидур, дойим мундин ел келур: тунд еллари бор. Дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлуқуб, бир-бирини тополмай, “Ҳо, дарвеш”, “Ҳо, дарвеш”, дей-дей ҳалок бўлубтурлар, андин бери бу бодияни Ҳодарвеш дерлар”. Воқеани тасвирлаш жараёнида Бобур жойнинг топонимикасини, яъни жой номининг келиб чиқиш сабабларини изоҳлаб ўтади.

Ахси таърифида Бобур жойнинг табиий ва сиёсий географик ўрнига ҳам чуқур назар ташлаб ўтади. “...Фарғонада, Андижондин сўнгра мундин улуғроқ қасаба йўқтур. Андижондин ғарб сори тўққуз йиғоч йўлдур. Умаршайх мирзо муни пойтахт қилиб эди, Сайхун дарёси қўрғонининг остидин оқар. Қўрғони баланд жар устида воқе бўлубтур”.

Бобур Ахси Сирдарё бўйида жойлашгани, жойлашган ўрни жарлардан иборатлигини хавотир билан баён этгандек туюлади. Маълумки, географик карталардан бугунги кунда Ахси шаҳри топилмайди. Нега? Чунки географияда бир қонуният мавжуд. Кориолис кучи натижасида дарёлар шимолий ярим шарда ҳамиша ўнг қирғоқ, жанубий ярим шарда эса чап қирғоқни емиради ва ўша томонга бурилиб оқади. Бобур айтмоқчи, Ахси Сирдарёнинг шимолий соҳилида ўрнашган. Дарё эса шимол томонини ҳамиша емириб келган ва шаҳарни оқизиб олиб кетган, Ахси номининг тарихлардагина муҳрланиб қолишига сабабчи бўлган (1930 йилда содир бўлган Қорақалпоғистондаги Тўрткўл воқеасини ёдга олинг).

Замонавий географияда таққосланаётган географик объектлар бир-бирига тенг бўлиши ва таққослашнинг параллел олиб борилиши асосий шартлардан бири ҳисобланади. Бобур водий шаҳарларини таърифлаш жараёнида таққослаш методидан янада моҳирона фойдаланади: “...Яна бир Косондур. Ахсининг шимолида тушубтур. Кичикроқ қасабадур. Нечукким Андижон суйи Ўшдин келур, Ахси суйи Косондин келур... Сафо ва ҳавода Ўш била Косон элининг таассуби бор”.

Хуллас, “Бобурнома”даги Фарғона водийси таъ-

рифланган ўринлар билан танишиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– “Бобурнома” ўзида география фани учун муҳим маълумотларни жамлаган асардирки, уни туркий тилдаги географияга оид дастлабки қимматли манбалардан бири деб санаш лозим;

– Бобур ўзи кўрган ва текшириб аниқлаган маълумотлари асосида Фарғона водийсини мукаммал: табиати, аҳолиси ва унинг хўжалик фаолияти, маъмурий-ҳудудий тузилиши, қасабаларининг географик жойлашуви каби жиҳатлардан тавсифлайди. “Бобурнома”да географик тавсифлаш муайян систематикага асосланган бўлиб, бу унинг илмий қимматини оширади;

– “Бобурнома” муаллифи замонавий географияда кенг қўлланувчи усуллардан бири – таққослаш методидан унумли фойдаланган, унинг ёрдамида шаҳарларнинг географик жойлашувини аниқ белгилаш, уларнинг табиатига хос хусусиятларни кўрсатиб беришга эришган.

Адабиётлар:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: Чўлпон, 1990
2. Ҳасанов Ҳ. Бобур сайёҳ ва табиатшунос. –Т.: Ўзбекистон, 1983
3. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. –Т.: Ўзбекистон, 1990

Андижон давлат университети,
2011 йил 10 январда қабул қилинган
(Тақризчи: г.ф.н. А.Исаев)